

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ
КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ДОЛИЕВ ҒОЛИБЖОН АЛИШЕРОВИЧ

**МОЛЕКУЛЯР НАМУНАЛАРНИНГ РУТИЛ ВА ИЛЛИТДА
АДСОРБЦИЯЛАНИШ ЭНЕРГЕТИКАСИ**

02.00.11. – Коллоид ва мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Долиев Голибжон Алишерович Молекуляр намуналарнинг рутил ва иллитда адсорбцияланиш энергетикаси.....	3
Долиев Голибжон Алишерович Энергетика адсорбции молекулярных проб на рутиле и иллите	21
Doliyev Golibjon Alisherovich Energetic of molecular probes adsorption on rutile and illite.....	39
Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	43

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ
КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ДОЛИЕВ ҒОЛИБЖОН АЛИШЕРОВИЧ

**МОЛЕКУЛЯР НАМУНАЛАРНИНГ РУТИЛ ВА ИЛЛИТДА
АДСОРБЦИЯЛАНИШ ЭНЕРГЕТИКАСИ**

02.00.11. – Коллоид ва мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/K25 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.ionx.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Раҳматқариев Ғайрат Убайдуллаевич

кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Аҳмедов Улуғ Каримович

кимё фанлари доктори, профессор

Эргашев Ойбек Каримович

кимё фанлари номзоди, доцент

Ётақчи ташкилот:

Наманган Давлат Университети

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги илмий даража берувчи DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат ___ да ўтадиган мажлисида бўлади (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси 77-а Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-76-90, e-mail: ionxanguz@nuu.uz).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси 77-а Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-76-90.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
(2017 йил _____ даги №___ рақамли реестр баённомаси)

Б.С. Закиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д

Д.С. Салиханова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д

С.Т. Тўхтаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ЎзР ФА академиги

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё кимё саноатда табиий газ, нефт маҳсулотлари ва ўсимлик мойларни олишда ҳамда оқава сувларни қўшимчалардан тозалашда адсорбентлардан кенг қўламда фойдаланиб келинмоқда. Хусусан, маҳаллий хомашёлардан самарали адсорбентлар олиш учун уларнинг наноструктурасини аниқлаш ва адсорбентлар юзасида борадиган адсорбцион жараёнларини таҳлил қилишни тақозо этади. Бу ўринда юқори вакуумли адсорбцион калориметрик курилма орқали олинган натижалар муҳим аҳамиятга эга.

Республикамиз мустақилликка эришгандан буён маҳаллий хомашёлар асосида кимё саноати ва озиқ-овқат маҳсулотларини тозалашда ишлатиладиган адсорбентлар олишнинг технологияларини ишлаб чиқаришда кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилди. Хусусан саноатда ишлаб чиқаришни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Қайд этиш керакки, республикамиз бой хом ашё манбалари етарли бўлишига қарамай ўсимлик ёғларини ва оқава сувларини тозалашда маҳаллий хом-ашёлардан самарали сорбентлар олиш бугунги кун талабига тегишли равишда жавоб бермайди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишида «илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»га қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан ўсимлик ёғларини ва оқава сувларини тозалашда маҳаллий хомашёлардан арзон, самарали сорбентлар ишлаб чиқиш технологияси ва синтез қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда жаҳонда сифатли адсорбентларни ишлаб чиқиш, жумладан табиий газ, нефть маҳсулотлари ва ўсимлик мойларни тозалашда ишлатиладиган адсорбентлар олиш ва уларни фаоллаштириш ва модификация қилишнинг янги усулларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада амалга ошириладиган илмий изланишларда юқори сифатли адсорбцион хусусиятли янги самарали адсорбентлар олиш технологиясини яратиш бугунги кунда долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Адсорбцион хусусиятлари юқори бўлган адсорбентлар олиш технологиясини ишлаб чиқишда қатор, жумладан, қуйидаги йўналишларда тегишли илмий ечимларни асослаш зарур: адсорбентлар наноструктурасини аниқлаш ва улар орасида борадиган адсорбцион жараёнларини таҳлил қилиш; кутбли сув, квадрупол углерод IV оксиди ва ароматик бензол молекулаларидан фойдаланиш орқали адсорбентларнинг кимёвий кристал тузилишини ўрганиш; адсорбцияланишда ҳосил бўлган ион-молекуляр комплексларнинг конформациясини ва адсорбцияланиш термокинетикасини аниқлаш қабилар долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «2015–2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш,

модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чоратadbирлар дастури тўғрисида»ги ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармонлари ва 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё соатини ривожлантириш дастури» тўғрисидаги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда олиб борилаётган тадқиқотлар адсорбентларни актив маркази ва ички юзасига адсорбцияланишини аниқлашга ҳамда яратишга бағишланган. Бироқ ушбу тадқиқотларда ташқи юзасида адсорбцияланиш ва хемасорбцияланиш кам учрайди. Хорижий олимлардан М.М. Дубинин ва А.В. Киселов (1960-1980 й) биринчилардан бўлиб калориметрик усулда СаА цеолитларнинг изотермаларини аниқлаган. S. Zhang ИК спектри ва калориметрик усулда оғир метали катионли каолинларда сув метил спирти ҳамда этил спирти адсорбциясини ўрганган (2015). L. Wang каолинларда адсорбцияланиш механизмини аниқлаган (2012). О. Расскопова никелли иллитни базаль юзаларида молекулаларнинг адсорбцияланишни аниқлаган (2008). Z. Liu ва F. Chen (2011) титан оксидига бензол ҳамда унинг гамологлари адсорбциясини ўрганган. Н.Н. Kristoffersen (2013) рутилга сув молекулаларининг адсорбциясини дифференциал иссиқлигини аниқлаб, юза қатламларига ютилиш изотермасини ўрганган.

Мамлакатимизда проф. А.А. Агзамходжаев Ангрен кўмирида ҳар хил молекулаларнинг адсорбцияланишини, проф С.С. Хамраев ва С.З. Мўминов вакуумли магбен қурилмада цеолитлар адсорбцияси изотемаларини олган. Проф Г.У. Раҳматқариев А, X ва Y русумидаги цеолитларни, гил минералларни, аэросил, мусковит, силикагель, рутил ва башқа адсорбентларни юқори вакуумли адсорбцион калориметрик қурилма билан уларнинг орасида борадиган ютилишни дифференциал иссиқлиги, изотермаси, термокинетикаси ва энтропиясини ўрганиб фанининг ривожига ўзларининг улкан ҳиссаларини кўшган.

Иллит ва рутил нисбатан янги сорбентлар ҳисобланади ва шу сабабли, адабиётларда уларнинг адсорбцион хоссалари ҳақидаги маълумотлар жуда кам. Шунингдек, мавжуд адабиётларда ўрганилаётган тизимларнинг тўлиқ термодинамик функциялари кам ўрганилган.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф7-Т167 «А ва X русумидаги цеолитларда

ютилиш жараёни молекуляр структурали ва термодинамик тадқиқ, табиий газни тозалаш мақсадида сорбентларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун инновацион ривожланишнинг асоси» (2011-2015) ва ЕФ 7-ФА-0-11832 рақамли «ВаҲ малекуляр ғалвирида ион-молекуляр комплексларнинг энергетикаси, структураси ва локалланиши» (2014-2015) мавзусидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юқори вакуумли адсорбцион калориметрик қурилма ёрдамида иллит ва рутилларнинг турли ҳил молекулалар билан адсорбцияланиш механизмлари, термокинетикаси ва изотермасини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари;

адсорбцион калориметрик услуб ёрдамида иллитда бензол, сув ва углерод IV оксиди (CO_2), шунингдек, рутилда сув адсорбцияланишининг тўлиқ термодинамик жараёнларини аниқлаш;

молекуляр ўлчов сифатида кутбли сув, квадрапол углерод IV оксиди ва ароматик бензол молекулаларидан фойдаланиш орқали иллитнинг кимёвий кристал тузилишини асослаш;

ушбу молекулаларнинг адсорбцияланиш механизмларини ҳосил бўлган ион-молекуляр комплексларнинг конформациясини ва адсорбцияланиш термокинетикасига аниқлаш;

адсорбция изотермасига аниқлик киритиш ва уни тегишли тенгламалар билан асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида адсорбентлар Na-иллит ($\text{Na}_2\text{Al}_4[\text{Si}_7\text{Al}_2\text{O}_{20}](\text{OH})_4$) ва рутил (TiO_2) ҳамда адсорбатлар сув, углерод IV оксиди ва бензол танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети кимёвий модификация, идентификация, физик - кимёвий хоссалар, сорбция, десорбция, дифференциал иссиқлик, изотерма, энтропия ва термокинетика.

Тадқиқотнинг усуллари. Кимёвий, физик кимёвий, ИК спектроскопик анализ, рентгенографик, калориметрик анализ ва дифференциал термокинетик таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сув, углерод IV оксиди ва бензолнинг иллитда, шунингдек сувнинг рутилда адсорбцияланишининг тўлиқ термодинамик тавсифлари (ΔH , ΔF ва ΔS) ва изотермаси бўйича юқори даражада аниқликдаги маълумотлар олинган, ҳамда юзанинг тўлиб боришида тизимларнинг адсорбцияланиш иссиқлиги ўзгаришининг поғонали бўлиши аниқланган;

иллит юзасининг тўлиш соҳаси бўйлаб сув, углерод IV оксиди ва бензолнинг, шунингдек, сувнинг рутилда адсорбцияланиши энергетикасини диаграммалари ишлаб чиқилган;

сувнинг кутбли молекулалари таъсири остида Na^+ катионлари олти ўлчамли базаль юзасида ва олти ўлчамли латераль юзаларда бўш уячаларни тўлдириш асосида, $\text{H}_2\text{O}/\text{Na}^+$ комплекслар шаклида, шунингдек, $\text{C}_6\text{H}_6/\text{Na}^+$ n комплекс ҳосил қилиб, иллитнинг базаль юзаси бўйлаб адсорбцияланиши

аниқланган;

рутилда сув молекулаларининг адсорбцияланиши кимёвий боғланишлар, яъни водород ва донор-акцептор боғланишда бўлиши аниқланиб, [110] гранда сув молекулаларининг ютилиши 50% хемосорбцияланиш ҳамда, 50% молекуляр адсорбцияланиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

қутбли сув молекулалари адсорбцияланиш жараёнида филлосиликатларнинг базаль ва латераль юзаларга томон кўчади. Юзада сувнинг ҳолати суюқликсимон бўлиб филлосиликатлар билан 2:1 нисбатда бўлиши аниқланган;

квадрапол, қутбли ва ароматик молекулалар катионларнинг кўчишига имконият бермайди; иллит базаль юзаси ярмисининг фақат 1/3 қисмигина Na^+ катионлари билан тўлиши аниқланди;

сувнинг қутбли молекулалари ва CO_2 квадрапол молекулаларининг иллитда барча тўлувчи соҳаларга адсорбцияланишининг тўлиқ механизми аниқланган;

сув супербўшлиқларга рутил адсорбциясида, асосан, (110) гранларда кимёвий боғланишлар билан боғланганлиги исботланиб, изотермалари олинган;

сувнинг қутбли молекулаларининг рутилда бўшлиқли соҳалар билан тўлган барча юза қисмларига адсорбцияланишнинг тўлиқ механизми яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Фойдаланилган кимёвий (аналитик кимё) ва физик-кимёвий (калориметрик, рентгенфазази, ИК-спектр, визуаль-политермик) таҳлил натижалари, тажриба- лаборатория қурилмаларида синовдан ўтганлиги билан тасдиқланади. Олинган маълумотларни қайта ишлаш Стъудент критерияси ёрдамида ўртача қийматнинг ишончлилиги интервали оралиқ қийматларини ҳисоблаган ҳолда статистик таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти амалга оширилган адсорбцион-калориметрик тадқиқот иши физик адсорбциянинг назарий ривожланиши учун, шунингдек, сорбцион техникада аппаратлар ва жараёнлар бўйича амалий ҳисоблаш учун зарурий бўлган ҳамда ўрганилган тизимларнинг асосий термодинамик функцияларини олиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ташқи юзасида адсорбцияланадиган адсорбентлар актив марказида жойлашган катионлар билан ютиладиган молекулалар комплекс ҳосил қилиб бирикишни ва маҳаллий хомашёлардан янги самарали сорбентларнинг олиниши учун хизмат қилади, шунингдек, ОТМ магистрантларига физик ва коллоид химия фанидан ўтиладиган махсус курсларида қўлланилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иллит ва рутил адсорбентларининг юқори вакуумли адсорбцион калориметрик қурилма ёрдамида олинган илмий натижалар амалиётга жорий қилиш асосида:

Шўрсув гил минералини тозалаб ва қайта ишлаб олинган янги самарали иллит сорбенти Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимидаги муассасада оқава сувларини оғир металлдан тозалаш бўйича амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2017 йил 28 августдаги 1-10/8-752-сон маълумотномаси). Натижада оқава сув таркибидаги Fe^{+3} катионини 45%, Zn^{+2} катионини 56%, Cu^{+2} катионини 40% ва Gr^{+6} катионини 77% га камайтириш имконини берган;

BaNaY адсорбентини актив марказидаги Na^{+} катионлар билан адсорбатлар ўртасида комплекс ҳосил бўлиб, адсорбция методи асосида олинган натижалар ЕФ7-ФА-0-11832 рақамли «BaY малекуляр ғалвирида ион-молекуляр комплексларнинг энергетикаси, структураси ва локалланиши» мавзусидаги фундаментал лойиҳада адсорбентларни молекуляр ғалвирларида H_2O ва CO_2 нинг ўзаро таъсир адсорбциясини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 1 августдаги ФТА-02-11/423-сон маълумотномаси). Натижада сув ва углерод (IV) оксид молекулаларининг ташқи юзаларига адсорбцияланиши ва самарадорлигини баҳолаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 3 та халқаро ва 5 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 101 бетни ташкил этди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги асослаб берилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек, тадқиқотнинг объект ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш рўйхати келтирилган, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Юза қатламларга адсорбцияланиш ва унинг физик-кимёвий хоссаларининг ўзига хослиги (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида газларнинг ютилиш жараёни ҳамда суёқ молекулаларнинг қаттиқ жисмларга адсорбцияланиши адсорбентларнинг

говакдор структураси билан ифодаланган. Кимё технология соҳасида юқори самарали адсорбентларни олиш технологияси ҳамда олинган адсорбентлар асосида кимёвий модификация йўли билан олинган адсорбентлар ва уларни синтез қилиш йўлида машаққатли тадқиқотлар солиштириб шарҳланган.

Калориметрик усулда турли хил сорбентларнинг адсорбцион термодинамик хусусияларини аниқлаш ва актив марказларида кечадиган ютилиш соҳалари тўғрисидаги олиб борилган хорижий ва республикамиз олимларининг изланишлари таҳлили ҳам шу бобдан ўрин эгаллаган.

Диссертациянинг **“Na-иллитда турли хил молекулалар адсорбцияланиши ҳамда калориметрик қурилманинг ўзига хослиги”** деб номланган иккинчи боби Na-иллитда сув, бензол ва углерод IV оксиди адсорбцияланишининг термодинамик таҳлили, шунингдек, юқори вакуумли адсорбцион калориметрик қурилманинг таҳлил хусусиятлари, афзаллиги ва тажриба ўтказиш методларига бағишланган бўлиб, унда олинган натижалари таҳлили батафсил ёритилган.

Диссертациянинг **“Рутилларда сув молекулаларининг адсорбцияланиш термодинамик таҳлили”** деб номланган учинчи бобида рутилда сув адсорбцияси тўлиқ термодинамик хусусиятлари (дифференциал иссиқлик, изотерма, кинетика, энтропия) баён этилган.

Сувнинг адсорбцияланиши. Биз калориметрик услуб ёрдамида Na-иллитнинг гидратация механизмини батафсил очиб беришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. “Мезбон-меҳмон” типдаги ўзаро таъсирлашишларни ўрганишда фойдаланилувчи структуравий сезгир юқори аниқлик даражасига эга бўлган услублар орасида адсорбцион калориметрия услуби алоҳида ажратиб кўрсатилади. Бу услуб юзаларнинг кимёси, физикаси ва кристал-кимёси ҳақида, шунингдек, қаттиқ жисмнинг юзасида жойлашган фаол марказларнинг молекулалари ўртасидаги ўзаро таъсирлашиш механизмлари ҳақида нисбатан қимматли маълумотларни бера олади. Ўрганилган Na-иллитнинг таркиби қуйидагича: $\text{Na}_2\text{Al}_4[\text{Si}_7\text{Al}_2\text{O}_{20}](\text{OH})_4$.

Адсорбциянинг дифференциал иссиқлик қиймати (Q_d) Тиан-Кальве типдаги автоматик дифференциал калориметр ёрдамида, адсорбция изотермаси эса ҳажмий услубда ўлчанди. Адсорбентнинг миқдорини белгилаш ҳажмий-суюқлик услубида амалга оширди. Изотермаларни ўлчаш аниқлиги 0,1%га тенг ҳисобланди, адсорбция иссиқлиги қийматини ўлчаш аниқлиги даражаси эса 1%га тенг эканлиги аниқланди. Сувнинг Na-иллит таркибида адсорбцияланиш изотермаси 303 К шароитида ўлчанди (1-расм).


БЭТ тенгламаси координаталарида изотерма нисбий босим $0,13 < P/P^0 < 0,45$ интервалида чизиқли тавсифга эга. Мономолекуляр қаватнинг сифими (a_m) 3,763 ммол/г га тенг бўлади. Энергетик ўзгармас қиймат (константа) 1,16 га тенг, шунингдек, агар зич ҳолатдаги мономолекуляр қаватда сув молекуласи эгалловчи майдон (ω_m) 14,8 м²/г га тенг деб ҳисобланса, у ҳолда сув бўйича солиштирма юза қиймати 317–335 м²/г ни ташкил қилади.

303 К шароитда ўлчанган, сувнинг Na-иллит таркибида адсорбцияланиш дифференциал иссиқлик қиймати (Q_d) 1-расмда келтирилган. Адсорбция

иссиқлиги 90 кЖ/мол қийматдан бошланиб, поғонасимон тавсифда 303 К шароитда 43,5 кЖ/мол га тенг бўлган сувнинг конденсацияланиш иссиқлиги қийматиғача пасайиб боради.

Бунда жами 5,010 ммол/г сув адсорбцияланади, яъни Na-иллитга нисбатан солиштирилганда бу қиймат 2 марта катта ҳисобланди. Бу қиймат бўкиш хоссасига эга бўлмаган минераллар учун етарлича даражада юқори сорбцион сиғимни ташкил этади. Шунингдек, 1,113 ммол/г қийматгача адсорбцияланишда биз ~0,537 ммол/г давомийлик узоқлигидаги 4 та яққол ифодаланган поғоначаларни кузатишимиз мумкин. Кейин 4,529 ммол/г поғонача шароитида тугалланувчи чўзилган ҳолатдаги Q_d эгри чизик платоси қайд қилинади. БЭТ тенгламаси параметрларига мувофиқ ушбу поғонача Na-иллит юзасининг сув билан мономолекуляр тарзда тўлиши ҳолатига мос келади.

Иккинчи чўзилган ҳолатдаги 5,010 ммол/г қийматгача қайд қилинувчи плато иккинчи қаватнинг шаклланишига мос келади. Иллит юзасида мономолекуляр қаватнинг шаклланиши Q_d эгри чизикда аниқ ифодаланувчи поғоначалар асосида амалга ошади. Бунда дастлабки учта поғонача тахминан бир хил масофа қийматида жойлашади (0,536 ммол/г) ва бу ҳолат сувнинг Na^+ катионлари билан уч ўлчамли $(H_2O)_3/Na^+$ комплекс ҳосил қилишига мос келади. (1-расм)



1 расм. Na-иллитда сув адсорбцияси дифференциал иссиқлиги (а), изотермаси (б) ва энтопияси (в)

Шунингдек, CO_2 адсорбцияси асосида, Na-иллитнинг базаль юзасида натрий катионларининг сон миқдори 0,092 ммол/г га тенглиги аниқланди.

Сувнинг адсорбцияланиши катионларнинг базаль ва латераль чекка қисмларга кўчиши ҳисобига катионлар концентрациясининг 0,536 ммол/г гача ортишига олиб келади. Бензолнинг адсорбцияланишида базаль ва латераль

чекка қисмларда Na^+ катионларининг миқдори 0,1072 ммол/г ни ташкил қилиши аниқланди. Бундан латераль чекка қисмда Na^+ катионларининг миқдори 0,1072–0,92=0,0152 ммол/г ни ташкил қилади. Ўз навбатида сувнинг адсорбцияланиши кўш ҳолатда жойлашган қаватлардан кўчиши ҳисобига юзада катионларнинг деярли олти мартагача ортиб кетишига олиб келади. Мономолекуляр қаватнинг таркиби атрофи етита сув молекулалари билан ўраб олинган ҳолатда жойлашган Na^+ катионларидан ташкил топади. Худди шунча миқдордаги сув молекулалари иккинчи қаватни ташкил қилади.

Сувнинг иллитда адсорбцияланишининг дифференциал иссиқлиги қиймати ва изотермасидан фойдаланган ҳолатда биз Гиббс–Гельменгольц тенгламаси бўйича адсорбцияланишнинг мол қийматида ифодаланган дифференциал энтропия қийматини (ΔS_d) ҳисоблаб чиқдик. Келтирилган 1-расмда 303 К шароитда суюқ ҳолатдаги сувнинг энтропия қиймати асосида ҳисобланган адсорбцияланишнинг дифференциал энтропия қиймати кўрсатилган. Энтропиянинг иссиқлик эгри чизиғининг пағонасимон тавсифга эгаллигига мувофиқ тўлқинсимон кўринишга эга бўлган. Деярли бутун эгри чизик суюқ ҳолатдаги сув энтропияси қийматидан пастда жойлашади. Адсорбцияланишнинг мол қийматида ифодаланган интеграл энтропия қиймати суюқ ҳолатдаги сувнинг энтропия қийматига нисбатан $\sim 9,1$ кЖ/моль*К паст эканлиги аниқланди. Ушбу натижалар умумий ҳолатда сувнинг иллит тизимда сувнинг ҳаракатчанлик қиймати суюқ ҳолатдаги сувнинг ҳаракатчанлик қийматидан паст бўлишини кўрсатади.


Углерод IV оксидининг адсорбцияланиши. CO_2 структура тузилиши чизикли тавсифга эга бўлган квардапол молекула таркибида кислород атомининг қутбли бўлиши ва сув молекуласи билан солиштирилганда нисбатан кичик зарядга эгаллигини ҳисобга олган ҳолатда, CO_2 ҳам катионларга танлаб таъсир кўрсатиш асосида адсорбцияланишини кўриш мумкин. Агар CO_2 адсорбцияси маълумотларидан келиб чиққан ҳолатда ҳисоблаб топилган Na^+ катионларининг сон миқдори дастлабки ҳолатдагига тенг бўлса, у ҳолда жараён қайтар тавсифга эга ҳисобланади.

Ушбу тадқиқот ишида CO_2 нинг Na-иллитда адсорбцияланишини калориметрик усулда ўрганиш натижалари ҳисоблаб чиқилган. Олинган юқори даражадаги аниқликда термодинамик функциялар CO_2 адсорбцияланиши молекуляр механизмини аниқлаш учун асос сифатида хизмат қилади.

Ўрганилган Na-иллитнинг таркиби қуйидаги кўринишга эга ҳисобланади: $\text{Na}_2\text{Al}_4[\text{Si}_7\text{Al}_2\text{O}_{20}](\text{OH})_4$. Адсорбцион ўлчашларни амалга оширишдан олдин намуна 150°C ҳарорат шароитида ҳайдалди.

Энг аввало қайд қилиб ўтиш керакки, 30°C ҳарорат шароитида CO_2 тўйинган буғларининг босим қиймати юқорилиги ($P^\circ=54086$ мм с.у.) таъсирида биз CO_2 нинг Na-иллитда адсорбцияланиши бўйича тўлик изотермасини олишга муваффақ бўла олмадик. Углерод IV оксидининг Na-иллитда адсорбцияланишининг изотермаси (2-расм) ярим логарифмли координаталарда ифодаланган. Бошланғич соҳада изотерма эгри ҳолатга эга бўлиб, тўлиб бориш давомида ~ 80 мкмол/г шароитда бир маромда юқорига

ўсиши қайд қилинди. Изотермаларнинг БЭТ тенгламаси асосида қайта ишланиши натижалари намунанинг солиштирма юзаси қиймати $99,3 \text{ м}^2/\text{г}$ га тенглигини кўрсатади (2-расм).



2 расм. Na - Иллитда углерод IV оксид адсорбцияси дифференциал (а), изотермаси (б) ва энтопияси (в)

CO_2 нинг Na-иллитда адсорбцияланиши дифференциал иссиқлик қиймати умумий ҳолатда поғонасимон кўринишга эга. Бироқ 34 кЖ/моль даражада 51,5 кЖ/моль гача етувчи, юқори қийматдаги максимум билан узилиш қайд қилинади. Бу ҳолат 10 кммол/г дан бошланиб, 54 мкмол/г ҳолатда тугалланади. Бундан ташқари, 2-расмда CO_2 нинг Na-иллитда адсорбцияланиши дифференциал иссиқлик қийматининг (Q_d) 30°C шароитида амалга оширилувчи адсорбцияга боғлиқлиги ифодаланган. Бунда узук (штрих) чизиқлар билан 30°C шароитда конденсация иссиқлиги кўрсатилган бўлиб, иссиқликнинг бошланғич соҳаси $a=10$ мкмол/г ҳолатда 70 кЖ/моль қийматидан 37 кЖ/моль қийматигача кескин пасайиши қайд қилинади. Плато соҳаси 93 мкмол/г қийматда тугалланади, бунда иссиқликнинг тўлиб бориши $\sim 27,7$ кЖ/мол қийматгача пасаяди ва ушбу даражада деярли 140 мкмол/г гача қолиши қайд қилинди. Na-иллитнинг углерод IV оксиди билан кичик қийматда тўлиб боришида бир жинсли бўлмаган соҳа (0–10 мкмол/г) мавжудлиги ёки юза таркибида аралаш катионлар мавжудлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин, яъни CO_2 ушбу аралашма билан адсорбцияланиши ҳисобига иссиқлик қиймати ортиши кузатилиши мумкин. Адсорбция энергияси қийматининг ушбу кўринишда юқори бўлишини (70 кЖ/мол) ҳисобга олган ҳолатда аралашмалар кўп валентли катионлар бўлиши мумкинлигини тахмин қилиш мумкин, чунки гексогонал шаклдаги уячаларда жойлашган Na^+ катионлари иссиқлик қиймати ~ 36 кЖ/моль қийматида адсорбцияланади. Навбатдаги қисмда адсорбцияланиш доимий иссиқлик қиймати ~ 34 кЖ/мол ни ташкил

қилган ҳолатда Na^+ катионлари бўйича амалга ошади. Q_d эгри чизикда максимум соҳанинг вужудга келишининг сабаби адсорбцияланувчи CO_2 молекулаларининг бир-бири билан ассоциация ҳосил қилишга мойиллиги бўлиши мумкинлиги тахмин қилинди. Бунда иллит таркибида CO_2 молекулаларининг адсорбцияланиш энергиясига адсорбат-адсорбат типигаги ўзаро таъсирлашиш энергияси ҳам кўшилади. Ўз навбатида иссиқлик қийматининг ортиши амалга ошади. 10 мкмол/г ҳолатдан бошлаб ва 54 мкмол/г гача CO_2 нинг адсорбцияланиши адсорбцияланувчи молекулаларнинг ўзаро таъсирлашишлари асосида амалга ошади. Q_d эгри чизикда максимум соҳасининг юқори бўлиши юқори энергетик аралашмалар марказига адсорбцияланувчи ва шунингдек, улар билан кўшни ҳолатда жойлашган Na^+ катионларига адсорбцияланувчи CO_2 молекулалари ўртасида ассоциация ҳосил бўлиши билан изоҳланади. CO_2 нинг конденсацияланиш иссиқлиги қиймати 27 кЖ/мол га тенг. Ушбу қийматдан юқори бўлган адсорбцияланиш иссиқлик қиймати адсорбентнинг юзасида фаол марказларда, биз қараб чиқаётган ҳолатда эса Na^+ катионларида амалга ошувчи адсорбцияга мос келади.

30°C шароитида адсорбцияланишга CO_2 нинг Na -иллитга адсорбцияланишининг дифференциал энтропия қиймати (ΔS_d) ўртасидаги боғлиқлик мол қийматида ифодаланган. Бу ерда узук (шртих) чизик мол қийматида ифодаланган ўртача интеграл энтропияни ифодалайди. Суюқ ҳолатдаги углерод IV оксидининг энтропия қиймати Na -иллитнинг базаль юзасида гексогонал уячаларда жойлашган Na^+ катионлар билан адсорбцияланишга асосланган бўлиб, унга мос келувчи платонинг 93 мкмол/г даражагача масофага чўзилувчи 34 кЖ/мол шароитда ноль деб қабул қилинган.

Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, сувнинг адсорбцияланиши қайтар жараёнлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин, яъни бунда Na -иллитнинг бошланғич ҳолатдаги юзаси ва сув адсорбцияланишидан кейинги ҳолатдаги юзасида бир хил миқдордаги -93 мкмол/г катионлар мавжудлиги қайд қилинади. Ўз навбатида сув молекулаларининг адсорбцияланиши давомида Na -иллитнинг юзасида катионларнинг кўчиши қайтар жараён бўлиб, шунингдек, Na -иллит ҳажми таркибида юзага томон кўчувчи катионлар десорбцияланиш давомида орқага қайтиши қайд қилинади.


Шунингдек, CO_2 нинг Na -иллитда адсорбцияланишининг мол қийматида ифодаланган дифференциал энтропия қиймати келтирилган. Суюқ ҳолатдаги углерод IV оксидининг энтропия қиймати ноль деб қабул қилинган. Умумий ҳолатда энтропия эгри чизиги нолдан юқорида жойлашади. Мол қийматидаги ўртача энтропия -27 Ж/мол*К га тенг ҳисобланади. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, Na -иллитнинг юзасида адсорбатнинг ҳаракатчанлиги суюқ ҳолатдаги углерод IV оксидининг ҳаракатчанлик қийматига нисбатан солиштирилганда юқори эканлиги аниқланди.

Бензолнинг адсорбцияланиши. Ушбу барча тадқиқотлар ион алмашинувчи катион сифатида Na^+ қайд қилинувчи силюда билан амалга оширилди. Бунда иллит юзасида Na^+ ионларининг адсорбцион хоссасига таъсирини ўрганиш қизиқиш уйғотади. Калийдан фарқ қилиб Na га

бағишланган тадқиқот ишлари кучли даражада чекланган. Тадқиқот ишида углерод IV оксидининг Na-иллитда адсорбцияланишининг механизми қараб чиқилган бўлиб, базаль юзада Na^+ ионларининг концентрацияси 92 мкмол/г ни ташкил қилиши аниқланди. Шунингдек, иллитнинг ясси ҳолатдаги бензол молекуласини адсорбцияланишини кузатишимиз мумкин. Биз калориметрик услуб ёрдамида бензолнинг Na-иллитда адсорбцияланишининг батафсил механизмини ва термодинамик жараёнларини аниқладик. Юқори даража аниқликдаги структуравий сезгир услублар орасида адсорбцион калориметрия услуби қаттиқ жисмлар юзаси кимёси, физикаси ва кристал кимёси ҳақида нисбатан қимматли маълумотларни олиш имконини беради.

Адсорбция дифференциал иссиқлиги қиймати (Q_d) дифференциал автоматик Тиан-Кальве калориметрида ўлчанди. Ўрганилган Na-иллитнинг таркиби қуйидагича: $\text{Na}_2\text{Al}_4[\text{Si}_7\text{Al}_2\text{O}_{20}](\text{OH})_4$. Адсорбция 303 К ҳарорат шароитида амалга оширилди.

Қуйида келтирилган 3-расмда бензолнинг Na-иллит таркибида адсорбцияланиш изотермаси ярим логарифм координатада ифодаланган. Бунда нисбий босим қиймати $0,046 < P/P^0 < 0,36$ ораликда бўлиши шароитида изотерма БЭТ тенгламаси координаталарида чизиқли тавсифга эга ҳисобланди (3-расм).



3 расм Na-иллитда бензол адсорбцияси дифференциал (а), изотермаси (б) ва энтопияси (в)

Мономолекуляр қаватнинг сифими (a_m) 615 мкмол/г га тенг бўлиб, энергетик константа қиймати 1,05 ни ташкил қилади. Агар бензол молекулалари эгалловчи зич ҳолатдаги мономолекуляр қават юза майдони (ω_m) қиймати $48 \text{ м}^2/\text{г}$ деб қабул қилинса, у ҳолда бензол бўйича солиштирма юза қиймати $180 \text{ м}^2/\text{г}$ ни ташкил қилади.

Бензолнинг Na-иллит таркибида адсорбцияланиш дифференциал иссиқлиги қиймати мономолекуляр тўлиш соҳасида тўлқинсимон пасайиб борувчи кўринишга эга бўлади (3-расм). Бензолнинг Na-иллит таркибида адсорбцияланиш дифференциал иссиқлиги қиймати бошланғич соҳада ортиб

бориши (~ 70 кЖ/мол) ва $107,2$ мкмол/г ҳолатда $40,4$ кЖ/мол қийматгача пасайиши қайд қилинди. Бу фрагмент бензолнинг базаль ва латераль юзаларда жойлашган Na^+ катионлари билан π -комплекс ҳосил қилиши орқали белгиланади. Навбатдаги босқичда иллит юзасида бўш ҳолатдаги дитригонал уячаларнинг кўшни ҳолатда жойлашган қаватлардан кўчиб ўтувчи Na^+ катионлари билан тўлиш жараёни амалга ошади. Адсорбцияланиш қиймати 536 мкмол/г бўлган шароитда барча бўш ҳолатдаги уячалар бензолнинг Na^+ катионлари билан ҳосил қилувчи π -комплекслари билан тўлади. Адсорбция жараёни жуда мураккаб тавсифга эга бўлиб, катионларнинг кўчиши билан биргаликда амалга ошади. Шу сабабли биз Q_d эгри чизикда адсорбция иссиқлигининг тўлқинсимон кўринишда пасайиб боришини кўришимиз мумкин. Шунингдек, 2-қаватнинг шаклланиши адсорбцияланиш иссиқлиги қийматининг тўлқинсимон кўринишда ўзгариши асосида амалга ошади. Бу ҳолат Na^+ катионларининг иккинчи қават шаклланишидаги иштирокини кўрсатиб беради. Кейин эса адсорбция жараёни иссиқлик қиймати конденсация иссиқлиги қийматига яқин бўлган ҳолатда амалга ошади ва 3-қават катионларининг сезиларсиз даражадаги иштироки шароитида амалга ошишини кўрсатади.


Мономолекуляр қаватнинг шаклланишида адсорбцион таъсирлашишларни қайд қилиш вақти секинлашади (~ 4 соат давом этади), шунингдек, иккинчи қаватнинг шаклланиши тахминан ~ 2 соат давом этади.

Титан диоксидида сувнинг адсорбцияланиши. Адсорбент юзасининг тўлиқ ҳолатдаги физик, кимёвий ва кристал кимёвий тавсифлари энтропия, эркин энергия ва иссиқлик сиғими каби бошқа дифференциал адсорбцион энергетик тавсифлар билан биргаликда адсорбциянинг дифференциал иссиқлиги қийматини белгилаб беради.

Ушбу тадқиқотнинг мақсади рутил юзасининг кимёсини ва лаборатория шароитида ўрнатилган, юқори даражада аниқликка эга бўлган адсорбцион–калориметрик қурилма ёрдамида сувнинг адсорбцияланиши механизмини ўрганишдан иборат. Ушбу тизимни ўрганишга уринишларни биз олдин ҳам амалга оширган эдик. Бироқ биз нисбатан аниқ натижаларни олиш учун ўлчашларнинг аниқлик даражасини ошириш мақсадида тадқиқот иши давомида адсорбент миқдорини белгилашни катта миқдорда амалга ошириш шароитида тажрибаларни олиб бориш асосида ушбу масалани қайта қараб чиқишга қарор қилдик. Шунингдек катта қийматдаги тўлиш жараёни давомида адсорбция иссиқлиги эгри чизигининг айрим нозик тавсифга эга бўлган таркибий қисмларига ойдинлик киритилмаган ҳолатда қолиб кетган эди. Ушбу йиллар давомида амалга оширилган тадқиқотларда дифференциал иссиқлик қийматини ўлчаш аниқлик даражаси сезиларли ортганлиги қайд қилинади.

Рутил TiCl_4 гидролизлаш йўли билан олинди ва кислота буғи ёрдамида 523 К шароитида ишлов берилди. Рентгеноструктура таҳлилларида адсорбентлар таркибида ҳеч қандай бегона аралашмалар мавжуд эмаслиги аниқланди. Рутил учун дифференциал иссиқлик эгри чизиклари таҳлил қилинди.

Сувнинг рутилда адсорбцияланишини дифференциал адсорбцион–калориметрик услуб ёрдамида ўрганишда мол қийматида ифодаланган қийматлар асосида қуйидаги тадқиқот ишида тавсифланган қурилмада амалга оширилди (4-расм).



4-расм. Рутилда сув адсорбцияси дифференциал иссиқлиги ва энтопияси


Пельтье эффекти ёрдамида иссиқлик оқимларини компенсациялаш услубидан фойдаланиш адсорбция иссиқлиги қийматини ўлчаш аниқлик даражасини бир мартагача ошириш имконини беради. Адсорбцион ўлчашлар юқори даражада аниқликда адсорбцион ўлчашларни ва адсорбентнинг массасини белгилашни амалга ошириш имконини берувчи, универсал тавсифга эга бўлган, юқори вакуумли ҳажмий қурилмада амалга оширилди.

Сув буғини беришдан олдин намуна қиздирилди ва юқори вакуумли шароитда 720 К ҳароратда 10 соат давомида ҳайдалди. Ўлчашни амалга оширидан олдин сув яхшилаб тозаланди.

4-расмда сувнинг рутилда адсорбцияланиши дифференциал иссиқлик қиймати (Q_d) кўрсатилган. Бунда эгри чизик мураккаб пағонали кўринишга эга ҳисобланади. Пағоналарга мос равишда биз 7 та секцияни ажратиб чиқдик: жумладан, 1-секция – 0 дан 40 мкмол/г гача (40 мкмол/г); 2 – 40–80 (40 мкмол/г); 3 – 80–93 (13 мкмол/г); 4 – 106 (13 мкмол/г); 5 – 106–126 (20 мкмол/г); 6 – 126–136 (10 мкмол/г); ва ниҳоят, 7 – 136–146 (10 мкмол/г).

Жонс ва Хокки томонидан келтирилган маълумотлар бўйича 5-координацион Ti^{4+} ионлари А қирра бўйлаб жойлашган қаторда адсорбцияланувчи молекулалар учун нисбатан қулай ҳолатда жойлашади ва иккита ион (O^{2-}) билан зич ҳолатда экранланган 4-координацион ҳолатга (В қатор) нисбатан солиштирилганда, энергетик фаоллиги қиймати юқори бўлиши билан фарқланади ва шу сабабли адсорбцияланиш жараёнида адсорбат молекулалари билан таъсирлашишда юқори даражада фаолликни намоён қилмайди.

Юзанинг қатъий тартибда назорат қилинувчи тўлиши даражалари махсус ўрнатилган, юқори вакуумли ИҚ-спектроскопик қурилмада олинган маълумотлар 1- ва 2-секцияларда рўёбга ошувчи адсорбцияланиш механизмини аниқлаш имконини беради (5-расм).



5-расм. Рутилда сув адсорбцияси изотермаси(а) ва кинетикаси(б)


Бунда 1-секцияда гидроксил гуруҳларнинг ютилиш соҳаси жадаллиги ўсиши кузатилади, 2-секцияда эса адсорбцияланган молекуляр сувнинг ютилиш соҳаси ва бир вақтнинг ўзида сувнинг адсорбцияланиши давомида гидроксил гуруҳларнинг ютилиш соҳасининг жадаллигининг кескин сусайиши қайд қилинди. Ўз навбатида 1-секция сувнинг 2 та гидроксил гуруҳлар ҳосил қилиши асосида координацион жиҳатдан тўйинмаган Ti^{4+} ионларига диссоциация типигадаги адсорбциясини ифодалаб беради, 2-секция эса сувнинг Ti^{4+} ионларига мустақкам ҳолатдаги, бироқ ҳали молекуляр тавсифга эга бўлмаган адсорбцияланишини белгилаб беради. Бунда адсорбцияланган сув гидроксил гуруҳлар билан қўшимча водород боғларини ҳосил қилади.

Қуйидаги муаллиф ишларида келтирилган қирралардан (чекка соҳалар) ташқари, нисбатан пастроқ индекс қийматига эга бўлган қирралар ҳам мавжудлиги қайд қилинади. Бу қирралар яхши даражада ўрганилган ва тавсифланган бўлиб, сувнинг адсорбцияланишида яққол кузатилади (3- ва 4-секцияларнинг ҳар бирида 13 мкмол/г). Ушбу қирраларда гидроксил гуруҳлар мавжуд эмас ва сув молекулалари молекуляр тавсифда адсорбцияланади. Ушбу босқичда иккала қирралардан қайси бирида адсорбция бораётганлиги ёки ҳар иккаласида бир вақтнинг ўзида адсорбция амалга ошаётганлигини аниқ тавсифлаш қийин масала ҳисобланади, шу сабабли ушбу 2 та пағонани қирраларда сувнинг титан ионларига кетма-кетликда ёки бир вақтнинг ўзида адсорбцияланиши сифатида қайд қилинади.

5-, 6- ва 7-секциялар (мос равишда, 20, 10 ва 10 мкмол/г) ҳақида фикр билдирганда, улар умумий йиғинди ҳолатида 40 мкмол/г қийматни ташкил

килади. Чекка қиррада ҳали сув молекулаларини қабул қилиши мумкин бўлган марказлар мавжуд бўлиб, бу соҳалар асосан O^{2-} ионлари, OH^- гуруҳлари ва сув билан координацион тавсифда боғланган протонлардан ташкил топган, бунда сув водород боғларини ҳосил қилиши мумкин. Ушбу секциялар худудларида ИҚ-спектрларида водород боғлари ҳисобига сувнинг адсорбцияланиши қайтар тарзда амалга ошиши қайд қилинади.

Титан оксиди энтрапиясида сув молекулаларининг суяқ ҳолатидаги ҳаракатчанлиги 0 га тенг ҳисобланган. Мол қийматида ифодаланган адсорбцияланиш дифференциал энтропияси (ΔS_d) қийматини ҳисоблаб чиқдик. Адсорбцияланиш иссиқлиги қийматининг тўлқинсимон эгри чизиғига мос равишда энтропия эгри чизиғи ҳам ярим экстремал кўринишга эга ҳисобланди. Мол қийматида ифодаланган ўртача энтропия қиймати ΔS_d - 60, кЖ/моль*К га тенг.



6-расм. Рутилда сув адсорбцияси дифференциал иссиқлиги. (1) юзаси $11 \text{ м}^2/\text{г}$. (2) юзаси $33 \text{ м}^2/\text{г}$

Бу қиймат сув молекулалари муз ҳолатидаги ҳаракатчанлигига тенг. Тажриба изотермаси ва термокинетика таҳлили ҳам титан оксидига сув молекулаларининг адсорбцияланиши босқичли адсорбцияланишини ифодалайди. Тажрибанинг бошланишида дифференциал иссиқлиги 90 кЖ/мол да 40 мкмол/г сув ютилиши (110) гранларда 50% сув хемосорбцияланишини билдиради. 2-босқич 80 кЖ/мол ташкил этиши эса 50% сув молекулалари молекуляр адсорбцияланишини кўрсатади (5-расм).

Ушбу тизимни ўрганишнинг солиштирма сирти $11 \text{ м}^2/\text{г}$ бўлган рутилни таҳлил қилгандик. Солиштирма сирти $33 \text{ м}^2/\text{г}$ бўлган рутилда тажрибани ўрганиш рутил молекуласининг тўлиқ термодинамик хусусиятларини аниқлаб беради.

Рентгеноструктура таҳлилларида адсорбентлар таркибида ҳеч қандай

бегона аралашмалар мавжуд эмаслиги аниқланди. Солиштирма сирт юзаси 33 м²/г бўлган титан оксиди сув молекулалари аввалги солиштирма сирт юзаси 11 м²/г бўлган рутилга ютилган сув молекулаларидан 3 марта кўп эканлиги аниқланди(6-расм). Юзадаги (110) гранлар уч марта кўп эканлигини ҳисобга олсак, 160 а, мкмол/г дан 480 мкмол/г га кўп адсорбцияланган.

ХУЛОСАЛАР

«Молекуляр намуналарнинг рутил ва иллитда адсорбцияланиш иссиқлиги» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Сувнинг иллитда адсорбцияланишининг дифференциал иссиқлиги қиймати ва изотермасидан фойдаланган ҳолатда адсорбцияланишнинг мол қийматида ифодаланган дифференциал энтропия қийматини (ΔS_d) ҳисоблаб, Na⁺ катиони билан учта сув молекулалари базаль юзада H₂O)_s/ Na⁺ ва яна шунча сув латераль юзада комплекс ҳосил қилиб адсорбцияланади.

2. Сув таъсирида Na⁺ катионлари иллитнинг базаль ва латераль чекка қирралари томон кўчади ва сувнинг десорбцияланишидан кейин адсорбатнинг бошланғич юзаси тўлиқ ҳолатда қайта тикланади.

3. Квадрапол молекулалар (CO₂) Na-иллит билан адсорбцияланиш жараёнида базаль юзаларнинг актив марказларидаги Na⁺ катиони билан молекуляр адсорбцияланади. БЭТ тенгламаси асосида изотермаларни қайта ҳисоблаш натижаларида намунанинг солиштирма юзаси қиймати 99,3 м²/г га тенглиги кўрсатилди.

4. Ароматик молекулалар (C₆H₆) базаль юзаларнинг актив марказларида жойлашган Na⁺ катионлари билан π-комплекс ҳосил қилиб тўлади. Мономолекуляр қаватнинг сигими (a_m) 615 мкмол/г га тенг бўлиб, энергетик константа қиймати 1,05 ни ташкил қилади.

5. Рутилда сув молекулалари босқичли адсорбцияланиб, бошланғич босқичда кимёвий боғланиш ҳосил қилиб хемосорбцияланади. Ҳар бир босқичда 40 мкмол/г сув молекулалари адсорбцияланади.

6. Рутил юзасининг (110) гранларидаги Ti⁴⁺ катиони билан сув молекуласидаги O²⁻ аниони ўртасида донор-аксептр боғланиши юзага келади ва қолган сув молекулалари молекуляр адсорбцияланади.

7. Ушбу тадқиқот ишлари истиқболда амалга ошириладиган маҳаллий хомашёлардан самарали адсорбентлар олишда илмий асос бўлиб хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ И
НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ И ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

ДОЛИЕВ ГОЛИБЖОН АЛИШЕРОВИЧ

**ЭНЕРГЕТИКА АДСОРБЦИИ МОЛЕКУЛЯРНЫХ ПРОБ НА РУТИЛЕ
И ИЛЛИТЕ**

02.00.11 - Коллоидная и мембранная химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) по зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.1.PhD/К25

Диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ionx.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz.)

Научный руководитель:

Рахматкариев Гайрат Убайдуллаевич

доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Ахмедов Улуг Каримович

доктор химических наук, профессор

Эргашев Ойбек Каримович

кандидат химических наук, доцент

Ведущая организация:

Наманганский Государственный Университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2017 года в «__» часов на заседании Научного совета DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 при Институте общей и неорганической химии Академии наук Республики Узбекистан по адресу: 1000170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60, Факс: (99871) 262-76-57. E-mail: ionxanruz@mail.ru

С диссертацией можно ознакомиться в Институте общей и неорганической химии Академии наук Республики Узбекистан по адресу: 1000170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2017 г.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2017 г.)

Б.С.Закиров

Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней, д.к.н

Д.С.Салиханова

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н.

С.Т.Тухтаев

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, академик АН РУз

ВВЕДЕНИЕ (аннотация на диссертацию доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость диссертационной темы. В мировой химической промышленности при получении и очистке природного газа, нефтяных продуктов и растительных масел широко используются адсорбенты. В частности, для получения эффективных адсорбентов требуется определение их наноструктур и анализ адсорбционных процессов, протекающих на их поверхности. В данном случае получение результатов при помощи высоковакуумного адсорбционного калориметрического прибора играет очень важную роль.

После приобретения независимости нашей Республики осуществлены широкие меры по технологиям получения адсорбентов используемые для очистки продуктов химической и пищевой промышленности на основе местного сырья. В частности, развивается сфера направленная на подъем промышленности на качественно новый уровень и разработка готовой продукции на основе глубокой переработки местного сырья. Следует отметить, что несмотря на богатый природный ресурс нашей страны, получение эффективных сорбентов для очистки растительных масел и сточных вод не соответствуют сегодняшним требованиям. Исходя из четвертого направления Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан для стимуляции «научных исследований и инновационной деятельности определены важные задачи эффективного механизма внедрения в практику научных и инновационных достижений». В этом плане, в частности имеет огромное значение синтез и технология производства эффективных и недорогих сорбентов для очистки растительных масел и сточных вод на основе местного сырья.

